



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil  
20-iyul  
seshanba  
№ 30 (1246)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ gazhurriyat@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!  
Қалбларимиз файзу илоҳий шукуҳга тўлиб турган ушбу улғу кунда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни тинчлик, шукроналик, меҳр-оқибат ва саховат рамзи бўлган муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, узимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан гоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу табаррук айёмни байрам қилаётган ер юзидаги барча мусулмон умматига, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизга халқимиз номидан самимий салом ва табриқларимизни йўллаймиз.

Бу йилги Қурбон ҳайити Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тарихий санаси арафасида ўтаётгани унинг бетакрор руҳи ва кўрку тароватини янада зиёда этмоқда.

Мустақил юртда буюк мақсадлар билан тинч ва осойишта яшаш, ҳалол меҳнат қилиш муқаддас динимизнинг эзгу гоҳларига ҳар томонлама уйғун ва ҳам-оҳангдир.

Сўнги йилларда эп-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқлар қатори муқаддас динимиз, миллий-диний кадрларимизни тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улғу уламоларимизнинг беназир илмий меросини чуқур ўрганиш, динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган эзгу аъёнларини муносиб давом эттириш мақсадида мамлакатимизнинг бугунги янги тараққийёт босқичида ислом маънавияти ривожига улкан эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани, ҳадис, калом, фикҳ ва тасаввуф мактабларига асос солингани, ўнлаб янги масжидлар ва зиёратгоҳлар қурилаётгани ҳамда таъмирланаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида диний соҳадаги талаб ва эҳтиёжлари ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Бу ҳақда гапирганда, яқинда янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мухтарам ватандошлар!  
Барчамизга аёнки, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равангага муносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида диний ва дунёвий илмларни ўзаро уйғун ривожлантириш борасида ноёб тажриба мактабини яратган. Бу фикрнинг амалий тасдиғини ўзининг беқиёс илмий кашфиётлари, маънавий-маърифий тафаккури билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган улғу олимлар ва уламо-

ларимизнинг бебаҳо мероси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай нодир маънавий хазинани чуқур ўрганиш борасида янада катта имкониятлар очилмоқда.

Ишончим комилки, икки дунё саодатига эришишдек улғу орзу-ниятлар билан яшаётган олижаноб халқимиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, улкан ютуқларга албатта мушарраф бўлади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!  
Ҳозирги мураккаб пандемия даврида диний ибодатларни уй шароитида адо этиш бўйича кўпни кўрган уламоларимиз томонидан билдирилган тақлиф, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилган энг тўғри қарордир.

Ушбу улғу айём кунларида барчамиз Қодир Аллоҳдан бутун инсоният бошидан кечираётган бундай оғир синовларни енгиб ўтишда Ўзи мададкор бўлишини сўраймиз.

Сиз, азизларим муборак Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга Аллоҳ таолодан сийҳат-саломатлик, бахту саодат, оилапарварлигизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Дуоғуё кексаларимизнинг эзгу тилаклари ижобат бўлсин!

Ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!  
Юртимиз доимо тинч, халқимиз ҳамisha соғ-омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида ўзларининг эзгу тилак ва истакларини билдирган ҳолда, соҳа вакиллари илгари қузатилмаган турли синнов ва қийинчиликларга дуч келаётгани, уларни биргалликда бартараф этиш, умуман, соҳа ходимлари олдида турган бир қатор муҳим вазифалар хусусида аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шу муносабат билан куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси “Миллий журналистика: ютуқ ва муаммолар таҳлили” мавзусида наобатдаги матбуот анжуманини ташкил этди.

## МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот сиёсати ва давлат органларида очилкичи таъминлаш масалари кўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Бокиев ва қатор ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров Уюшма фаолиятида олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот берар экан, сўнгги пайтда аксарият босма нашрларнинг адади ошгани ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, июль ойидан бошлаб, сиёсий партиялар нашрлари бўлими “XXI asr” газетаси 35 минг, “Milliy tiklanish” газетаси 25 мингдан ортиқ, “Адолат” газетаси 20 мингдан ортиқ нусхада чоп этилмоқда. “Оила даврасида” газетаси “Оила ва табиат” номи билан қайта ташкил этилган ҳолда 20000 нусхада чиқа бошлади.

Шунингдек, Уюшма раиси “Овози тожик” газетасининг ҳам адади кўпайгани ҳақида алоҳида тўхтади. Хусусан, жорий йилнинг июль ойидан бошлаб, мазкур нашрнинг адади 5 мингга етди.

Аммо бугун вилоят нашрларининг адади кундан-кунга камайиб бормоқда. Уюшма раиси айнан мана шу мавзуга ҳам алоҳида тўхтади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг бош наشري бўлган “Эркин Қорақалпоғистон” газетаси 2260 нусхада, рус тилидаги “Вести Каракалпакистана” газетаси бор йўғи 560 нусхада чоп этилмоқда. Туманлардаги ҳолат эса янада ачинарли. Жумладан, энг паст кўрсаткичдаги газеталардан бири “Тўрткўлнома” бўлиб, бугун 680 нусхада чоп этилмоқда.

Андижон вилоятида ҳам бу борада ахвол қониқарсиз бўлиб, “Андижоннома” газетаси 1035 нусхада, “Андижанская правда” эса бутунлай чоп этилмапти. Бундан ташқари, Марҳамат туманининг “Оқ олтин” газетаси 250 нусхада чоп этилмоқда. “Хонобод” ва “Улуғнор” газеталарининг ҳам чоп этилиши тўхтатилган.

Бухоро вилоятининг бош наشري ҳисобланган “Бухоронома” газетаси 1012, “Бухарский Вестник” 302 нусхада, “Когон ҳаёти” газетаси 290, “Галаосиё овози” 300 нусхада...

### СИЁСАТ

Ҳа, шу йилнинг 15-16 июль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференцияси кўшун давлатлар билан кўп асрлик ўзаро ишонч ва дўстлик, яқин қўшничилик қадриятларига асосланган ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, қардош халқлар ўртасидаги алоқаларни янги ва юксак босқичга олиб чиқиш борасида юксак қадам бўлди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик бўйича Самарқанд конференцияси ва Афғонистон бўйича қарама-қарши томонлар ўртасида тинчлик музокараларини бошлаб берган Тошкент анжуманидан сўнг минтақавийликни ривожлантиришга замин яратган учинчи халқаро тадбирдир.

## ҚАДИМИЙ ВА ҲАҚИҚИЙ МИНТАҚАНИНГ ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛИШИ

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси нафақат конференция иштирокчилари, балки бутун дунё ҳамжамиятининг диққат марказида бўлди.

— Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга янги имкониятларни ўзда мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё

ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Олий даражадаги конференцияда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Иброҳим Хон, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари, 44 мамлакат ва ўттизга яқин халқаро ташкилотлардан делегациялар, нуфузли илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этди.

### МУБОРАК АМАЛЛАР

## МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Бугун улғу кун. Саодатли кун. Муборак айёмларимиздан бири бўлган Қурбон ҳайитининг илк кун. Халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик айёми.

Улғу қадриятларимиздан бўлган ушбу байрамда имкони этган, чин дилдан ниёт қилган юртдошларимиз Яратганининг ризолиги учун қурбонлик амалини адо этадилар.

Юртимиздаги тинчлик-хотир-

жамлик, оиламиздаги қут-барака, файзу тароват шубҳасиз Яратганининг беқиёс марҳамати, улғу неъматлари тўғрисида.

Барчамизнинг чин ихлос ила ато этган амалларимизни Аллоҳ қабул айласин, Қурбон ҳайити байрами кутлуғ бўлсин!

Газетамизнинг 3-саҳифасида сиз азиз муштарийларимиз эътиборига қурбонлик амали хусусида маълум манбадан олинган мақола ҳавола этилмоқда.



3-6.

### ИККИНЧИ ФИКР

## “ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛМАЙМИЗ”

ёхуд икки ўт орасидаги одамлар

Кейинги вақтларда матбуотда очилкичи ва сўз эркинлиги мавзусида мунозарали мақолалар тез-тез чоп этилаётгани кўзга ташланади. Аслида газета очилкичи ва сўз эркинлигига эга бўлгандагина ўзининг асл вазифасини бажаради ва ўқувчисига хизмат қилиб, унинг ишончини оқлай олади.

Бу борадаги чиқишларнинг аксариятида обунанинг адади пастлигию босма нашрларнинг “ўлиб” бораётганига соҳада ишлаётган журналистлар айбланмоқда. Юзтаки қарасангиз, бу фикрлар ҳақиқатга ўхшайди. Аслида ҳам шундайми?

Вазиятга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, яхши ёки ун, аввало, ўта сододли ва маънавий журналист кадрлар керак. Хўш, мамлакатимизда нашр қилинаётган газета ва

журналларда ишлаётганларнинг неча фоизи журналистик мутахассисликка эга? Масалан, мен ишлаётган “Қизилтепа тонги” таҳририятида бундан 35-40 йил олдин икки

журналист — Азиз Саид ва Клара Бозорова фаолият юритган. Клара Бозорова ҳозир нафақатда. Азиз Саид “Шарқ юлдузи”нинг бош муҳаррири ўринбосари. Ёшлар орасида журналистика йўналишида ўқиётганлар бор. Аммо улар туман газетаси таҳририятида ишлашни хоҳлашмайди. Радио ёки телевидениеда ишлаш, шаҳарларда яшашни маъқул кўришади. Ижодий ходимларимиз сафи ҳамisha ўқитувчи ва маданият ходимлари ҳисобида қисқаяпти.

4-6.

### ЁД ЭТИБ

## МАЪРИФАТ ЖАРЧИСИ ЭДИ

(Таниқли уламо Анвар қори Турсунов ҳаётининг улғилар)

2020 йилнинг 15-18 декабрь кунлари Тошкентда “Ўзбекистоннинг маданий мероси — Янги Ренессанс пойдевори” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда қирқдан ортиқ чет давлатлардан илм-фан вакиллари, шарқшунос олимлар, халқаро жамоатчилик намояндалари иштирок этди. Уларнинг маърузалари тингланди. Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг дунё тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил этилди.



Конференция доирасида жумладан, Ўзбекистон маданиятига оид 114 та тарихий Қуръон қўлёзмаларини жамлаган китоб яратиш ҳақида ҳам гап кетди. Бу ҳақда австриялик ношир Александр Вильгельм лойиҳа тафсилотлари ҳақида маълумот берди. Унга кўра, Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим 114 та сурадан иборат. Лойиҳада чет эллардаги музейлар ва кутубхоналарда сақланаётган Ўзбекистоннинг маданиятига оид 114 турли нусхадан биттадан сура олган ҳолда, уларни битта китобга жойлаш мақсад қилинган. Турли қўлёзмалардан олинган ҳар бир сура ўзи тегишли бўлган нусха ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Бошқа бир чет эллик олима эса маданиятимизга оид қўлёзма ва бошқа тарихий асарларга ишора қиларкан, бу каби ёдгорликларни яратган миллатга мансуб халқ — маърифатли халқдир. Мазкур бебаҳо меросни тарғиб этиш эса энг олий маснаддир, деди.

Конференция иштирокчиларининг юқоридаги каби сўз ва мулоҳазалари ҳақида кўрсатувни қўриб ўтириб, машҳур имомлар, мударрислар — халқимиз яратган улмас маданий меросининг узоқ ва яқин даврларда яшаб ўтган улғу тарғиботчи-

лари ҳаёлимдан бир-бир ўтди. Улар орасида айниқса, кўп йиллар Тошкент шаҳар имом хатиби бўлиб ишлаб келган таниқли уламо, адабиётчи, навоийшунос олим, маърифатпарвар, зукко инсон Анвар қори Турсунов (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) кўз ўнгимда яққол гавдаланди. Чунки маданий меросимизга боғлиқ бирон-бир янгилик, қўлёзма ёки янги нашрдан чиққан китоб бу уламонинг назаридан четда қолмасди. Булар ҳақида ўша куни ёки ўша жума намозидаёқ ўзи имомлик қилган масжид қавмига етказар эди.

Тошкент шаҳридаги қатор масжидларда, тўлиқ-маъракаларда Анваржоннинг амру маъруфларини кўп бора эшитганман. Бу маъназилар ҳар доим маърифат билан боғлиқ бўлиб, маданий меросимизнинг у ёки бу соҳасига бағишланар эди. Ўзим иштирок этган бирон-бир суҳбатга бўлмаганки, унда янги топилган қўлёзма асар ёки эндигина нашрдан чиққан, ҳали босмаҳона ҳиди келиб турган бирон-бир китоб ҳақида гапириб, уни тарғиб этмаган, илм-маърифатга қақирмаган бўлса.

3-6.